

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 5-iyun, chorshanba № 42 (15680)

«Universiada – 2013»

УНИВЕРСИАДА МАШЪАЛАСИ БУХОРОГА ЙЎЛ ОЛДИ

Халқаро Олимпия ўйинлари машғаласи Грециядаги Гера ибодатхонасида қуёш нурларидан аланга олдирилади. Бундай ноёб хусусиятга эга маскан Ер юзининг санокчи жойида, жумладан, Тошкент вилоятининг Паркент туманида ҳам бор.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари машғалалари айнан шу ерда — Паркент туманидаги «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг материалшунослик институтида қуёш нурларидан ўт олдирилади.

Талабаларнинг «Универсиада — 2013» мусобақалари машғаласи ҳам 4 июнь куни ана шу ерда аланга олдирилди.

Шу муносабат билан бу ерда ўтказилган маросимда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази, тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, талаба-ёшлар ва спортчилар иштирок этди.

Юртимизда спортни янада ривожлантириш ва оммавийлигини оширишга қаратилган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик самарасида ёшларимиз орасидан халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган кўплаб спортчилар етишиб чиқмоқда.

... Давлатимиз мадҳияси янграйди. Қуёш нурларидан аланга олган «Универсиада — 2013» машғаласини Паркент транспорт ва сервис касб-хунар коллежи ўқувчиси Дилёр Диловаров майдонга олиб киради. Ушбу коллежнинг яна бир ўқувчиси Шаҳбоз Комилов машғалани қўлига олиб, Бухоро вилояти сари йўлга тушди.

«Универсиада — 2013» машғаласи олиб ўтилган шаҳар ва қишлоқларда тантанали маросимлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Паркент ва Юқори Чирчиқ туманларидан ўтган ана шундай тадбирларда таниқли шоир ва ёзувчилар, спортчилар ҳамда санъаткорлар иштирок этди. Куй-қўшиқлар рақсларга уланди.

— Универсиада спорт мусобақаларининг юксак савияда ташкил этилаётганини кўриб, кўнглимиз фахр-ифтихорга тўлмоқда, — дейди Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультети талабаси Насиба Бобоева. — Биз, ёшлар берилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлишимиз, ўзимизнинг аъло ўқишимиз ва самарали ишларимиз билан Ватанимиз ва халқимиз қорига ярашимиз зарур.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат

Вақт ҳам, нақд ҳам тежалади

2012-yil — Obod turmush yili

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий матбуот марказида хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатларига кўмаклашувчи «DIMAX доимий фаолият юритувчи халқаро қурилиш ярмаркаси» фаолияти тақдими тига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, профессионал бошқарув компаниялари ассоциацияси ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Пойтахтимиз аҳолисининг аксарият қисми кўпқаватли уйларда истиқомат қилади. Табиийки, тураржой биноларини таъмирлаш, куз-қиш мавсумига ҳар томонлама муносиб тайёргарлик кўриш масъулияти хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатлари зиммасига

тушади. Мутахассисларнинг ҳисобича, кўпқаватли тураржой бинолари таъмири учун ҳар йили ўн тўрт турдаги қурилиш таъмирлаш материаллари керак бўларкан. Юртимизда бу турдаги материалларнинг барчаси ишлаб чиқарилади. Бироқ уларнинг ҳаммасини бир жой-

дан, қулай нарх ва имкониятлар асосида харид қилиш имкони чекланган эди. «DIMAX доимий фаолият юритувчи халқаро қурилиш ярмаркаси» фаолиятининг йўлга қўйилиши бу борадаги масалаларга ойдинлик киритди. Бу ҳақда шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатлари уюшмаси раиси Алишер Набиев шундай деди:

— Бу ярмарка орқали хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатлари нафақат қулай нархларда қурилиш таъмирлаш материаллари харид қилишади, балки юқори малакали мутахассисларга эга қурилиш корхоналари билан шартнома

тузиш имкониятига ҳам эга. Табиийки, бу ҳам вақт, ҳам харажат сарфини камайтириб, юртдошларимизнинг узоғи яқин, оғири энгил бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

Ташкилотчиларнинг таъкидича, ярмарка қурилиш материаллари корхоналари ва хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатлари ўртасида воситачи вазифасини ўтаб, шаффофлик асосида фаолият юритади. Қолаверса, харидор маҳсулот ҳақини маълум муддат кечроқ тўлаши ҳам мумкин. Мазкур ишлар ҳам муносиб юртимиз ободлигига, халқимизнинг бугунги кунимиздан рози бўлиб, фаровон яшашига муносиб ҳисса қўшиш истаги мужассам.

Хайриддин МУРОД,
«Turkiston» мухбири

Hududlardan mujdalar

КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Нукус шахрида болалар дам олиш боғи иш бошлади. Дам олиш боғидаги турли ўйинлар, аттракционлар, очиқ осмон остидаги музей, амфитеатр, турли спорт майдончалари ва бассейнлар болаларнинг ихтиёрида.

Бу ерда ҳақиқий машина ишқибозлари учун автодром, ҳайвонот боғи, Хива, Самарқанд, Бухоро шаҳарларининг ва Чилпик қалъасининг кўринишлари ҳамда эшакчилар учун қулай бассейнлар ҳам мавжуд. 320 ўринли амфитеатрда Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театрининг актёрлари болаларни севимли қаҳрамонлари билан эртақлар оламига етаклайди.

Харакатнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда республика теннис турлари бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаби билан ҳамкорликда теннис ва стол тенниси бўйича «Камолот» кубоги» турнирини ўтказди. Мусобақада 1995—1997, 1998—2000, 2001 йилда туғилган ва ундан кичик ёшдаги теннисчилар иштирок этди. Уч кун давом этган мусобақа давомида ёш теннисчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Турнир якунида ғолиблар аниқланиб, рағбатлантирилди.

Харакатнинг Чилонзор тумани кенгаши томонидан «Хар бир бола меҳр-этиборда!» лойиҳаси ўтказилди.

Маҳаллаларда истиқомат қилаётган имконияти чекланган оилалар фарзандлари ҳолидан хабар олиш ҳамда таълим муассасаларида тахсил олаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган ушбу лойиҳа доирасида «Мен бахтли боламан!» мавзуида асфалтга расм чизиш, «Болаликнинг манзили — Ўзбекистон» мавзуида иншолар танлови, «Болаларга беринг дунёни» мавзуида расмлар танлови ўтказилди.

Бундан ташқари, стол тенниси, шахмат-шашка мусобақалари уюштирилди. Туман «Камолот»чилари, сардорлар ва етакчилар кенгаши аъзолари имконияти чекланган, уйда яқка тартибда таълим олувчи йигирма нафар боланинг оилаларида бўлиб, ўқув қуроллари жамланmalarини тақдим этди.

СПОРТ, НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Пойтахтимизда бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва «Harry Caravan» халқаро турнири бошланди

Бадий гимнастика бўйича олимпия захиралари республика болалар-ўсмирлар ихтисослашган спорт мактабида бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва «Harry Caravan» халқаро турнирининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Байрамона безатилган мухташам спорт саройи меҳмонлар, спортчилар ва мухлислар билан гавжум. Иштирокчи мамлакатларнинг давлат байроқлари ҳилпираб турибди.

Чорлов садолари остида майдонга Осиё чемпионати ва «Harry Caravan» халқаро турнири иштирокчилари — Ўзбекистон, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Ҳиндистон, Мўғулистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Исроил, Россия терма жамоалари кириб келади.

Ўзбекистон гимнастика федерацияси президенти, Осиё гимнастика иттифоқининг фахрий президенти Лола Каримова-Тиллаева мусобақани очиқ, деб эълон қилди.

Осиё гимнастика иттифоқи президенти Раҳмон ал-Шатрий Ўзбекистонда қўллаб-сўхалар сингари спортни, жумладан, болалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган доимий этибор юксак самалар бераётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит яратилмоқда. Бу жараёнда спортнинг қизларга хос турлари, айниқса, бадий гимнастикани янада оммалаштириш, малакали мураббия кадрларни тайёрлаш ва уларнинг фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида этибор қаратилмоқда.

Бадий гимнастика бўйича жойларда ҳудудий федерациялар ва марказларнинг ташкил этилгани туфайли спортнинг саломатлик учун ҳар томонлама фойдали бўлган ушбу нафис тури билан мунтазам шу-



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат

ғулланаётган қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маълумотларига кўра, бадий гимнастика билан шуғулланувчи ўқувчилар 2003 йилда 1646 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозир 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган қизларнинг 35 минг нафардан ортиги ушбу спорт тури бўйича машғулотларга мунтазам қатнашмоқда.

Бу кўрсаткичларнинг ўсиши юрдошларимизнинг спортга, айниқса, қизлар спортига нисбатан қарашларининг тубдан ўзгаргани, соғлом турмуш тарзи мустаҳкам қарор топаётгани, ота-оналар фарзандининг спортга меҳр қўйиши қанчалик улғу мақсадларга пойдевор бўлишини англаб етаётганидан, болалар спортини мамлакатимизда том маънода умуммиллий ҳаракатга айланганидан далолат беради.

Мамлакатимизда бадий гимнастиканинг жадал оммалашаётгани қизларимизнинг

жисмонан ва маънан соғлом вояга етишига хизмат қилиш билан бирга, улар орасидан халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар етишиб чиқишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонлик бадий гимнастикачилар Осиё чемпионатининг илк медалини 2004 йилда қўлга киритган эди. Хитойда ўтган мусобақада ҳамюртимиз Олеся Ашаева бронза медалга сазовор бўлган эди. 2009 йилги жаҳон чемпионатида Уляна Трофимова ҳалқа ва арғамчида машқ бажаришда иккита бронза медални қўлга киритган. Гимнастикачиларимиз жамоавий баҳсларда учинчи ўринни эгаллаган.

2010 йили пойтахтимизда 14 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг мутлақ ғолибаси, деб топилган Азиза Мамажонова Сингапурда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги I Олимпия ўйин-

Badiiy gimnastika

ларида қитъамиз шарафини ҳимоя қилди.

2011 йилги Осиё чемпионатида медаллар сони ва салмоғи янада ошди. Уляна Трофимова кўпкураш баҳслари ва тасмада машқ бажаришда, Жамила Раҳматова булава ўйнатишда кумуш медалга сазовор бўлди. Терма жамоамиз аъзолари жамоавий ва гуруҳ баҳсларида яна учта бронза медални қўлга киритди.

Тошкент шаҳри 2004, 2005, 2011 ва 2012 йилларда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоғи босқичлари, 2010 йилда ўсмир қизлар ўртасида Осиё чемпионати мезбонлик қилди. Осиё гимнастика иттифоқи ўзининг Бош ассамблеясини 2012 йилда пойтахтимизда ўтказгани ҳам Ўзбекистонда ушбу спорт турини ривожлантиришда эришилган салмоқли натижалар эътирофининг ёрқин тасдиғидир.

Тошкент шаҳрида бошланган Осиё чемпионатида қитъамизнинг энг кучли гимнастикачилари, «Harry Caravan» халқаро турнирида эса ўсмир қизлар яккалик ва гуруҳ баҳсларида арғамчи, ҳалқа, тўп, булава, тасмада машқ бажариш ҳамда кўпкураш бўйича ўз истеъдод ва маҳоратини намойиш этади. Халқаро ҳакамлар бригадаси гимнастикачилар бажарган композицияларни уч йўналиш — ижро маҳорати, артистизм ва машқнинг мураккаблиги бўйича баҳолаб боради.

Тўрт кун давом этадиган Осиё чемпионатида Жамила Раҳматова, Майя Филиппова, Мафтуна Шамсиева, Валерия Давидова, Луиза Фаниева, Зарина Курбонова, Дарья Свечникова каби гимнастикачиларимиз мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

— Бўлажак мусобақага ҳар томонлама жиддий тайёрландик, — дейди «Умид ниҳоллари — 2012» мусобақаси ғолибаси Майя Филиппова. — Мақсадимиз мазкур Осиё чемпионатида муносиб иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашдир.

Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида катта концерт дастури намойиш этилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов иштирок этди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбирлари**

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Болаларни сифатли соғломлаштириш имкониятлари

Миллий матбуот марказида «Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан болаларни сифатли соғломлаштириш имкониятларини янада кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ходимлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда болаларнинг ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари, хусусан, оромгоҳларда маиший, коммунал,

транспорт ва тиббий хизматнинг ишончли ва узлуксизлигини, болаларнинг хавфсиз ва қулай шароитларда ҳордиқ чиқаришини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Танзила Норбоева маълумот берди.

— Бу йил оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш ишлари анча эрта бошланди, — деди Т.Норбоева. — Барча оромгоҳларда болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун етарли шароитлар яратилди. Кўпгина оромгоҳларда ободонлаштириш, қурилиш-таъмирлаш ишларини тез ва сифатли яқунлашга эришилди. Оромгоҳларда маънавий-маърифий, ўқув-тарбиявий ишларни сифатли ва мазмун жиҳатидан юқори са-

вияда ташкил этиш, хусусан, кутубхоналарни бадий адабиётлар ва газета-журналларнинг янги сонлари билан бойитиб бориш, қизиқарли учрашувлар, турли спорт мусобақалари, интеллектуал ва кўнгилочар ўйинлар, тадбирлар ўтказиш юзасидан бир қанча режалар тузилди.

Конференцияда болаларнинг кўнгилдагидек дам олишлари учун масъул бўлган тегишли идоралар, жамоат ташкилотларига мутасаддилар томонидан керакли маълумотлар берилди. Оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири**

Anjuman

Vatanimiz mustaqilligining 22 yilligi oldidan

БИТИРУВЧИНИНГ ИШ ЖОЙИ ТАЙИН

Hududlardan mujdalar

Ишхонамизга ахборот технологиялари йўналишида касб-хунар коллежини битирган бир йигит келди. Билим ва малакаси синаб кўрилиб, ўз мутахассислиги бўйича ишга қабул қилинди. Ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган яна бир ёш ишли бўлди, жамиятда ўз ўрнини топди. Унинг ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгарди. Ўзига ва эртанги кунга ишончи ортди...

Бундай мисолларни бошқа корхона, идора ва ташкилотлар, соҳа ва ҳудудлардан кўплаб келтириш мумкин. Зеро, бугун мамлакатимиз касб-хунар коллежларида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган, замонавий билимларни пухта эгаллаган ёшлар камолга етмоқда.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказидан олинган маълумотларга кўра, бугун мамлакатимиз ёшлари ўрта махсус билим юрларида 215 хил касб-хунар ўрганмоқда. Уларнинг аксарияти ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашмоқда. 2012 йилда 501 мингдан ортиқ битирувчининг 450 мингдан зиёди иш билан таъминланган, қолганлари олий таълим муассасаларига ўқишга кирган.

Бу йил юртимиздаги касб-хунар коллежларини 500 мингдан ортиқ ўқувчи тамомлайди. Президентимиз Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аянлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар асосида уларни ишга жойлаштиришнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилган.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида ҳозиргача қарийб 482 минг нафар битирувчини ишга олиш бўйича уч томонлама шартномалар тузилган. Касб-хунар коллежлари ва иш берувчи корхоналар ўртасида кооперация алоқаларининг турли шаклларида фойдаланилаётгани, ушбу масалага жамоатчиликнинг кенг жалб этилаётгани бу борада муҳим омил бўлаётди.

Янги иш ўринлари яратиш, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашга бундай юксак эътибор бошқа мамлакатларда кам учрайди. Аксинча, ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз меҳнат бозорига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Кўпгина давлатларда йирик корпорациялардан то кичик корхоналаргача иш ўринларини қисқартириш чораларини кўраётди. Оқибатда ишсизлик даражаси

ўсиб, ижтимоий кескинлик кучаймоқда. Жумладан, Европа Иттифоқининг статистика бошқармаси маълумотларига кўра, жорий йил март ойида еврозолага кирувчи 17 мамлакатда ишсизлик даражаси 12,1 фоизни ташкил этган. Февраль ойида 19,07 миллион киши ишсизлар сифидан жой олган бўлса, мартда бу кўрсаткич 19,211 миллион кишига етган. Бу борада ёшлар ўртасидаги аҳвол бундан ҳам ёмон. 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар орасида ишсизлик ўртача 24 фоизни ташкил этади. Испанияда бу кўрсаткич 55,9, Италияда 38,4, Португалияда 38,3 фоизга етган.

Экспертларнинг фикрича, бундан беш йил олдин Европада ишсизликнинг 25 фоизли кўрсаткичи мумкин эмас, деб ҳисобланарди. Бугун эса ишсизлик минтақадаги кўплаб мамлакатларда энг долзарб муаммога айланди. Кўплаб давлатларда шартно шундай мураккаб бўлиб турганда мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, аҳолини иш билан таъминлашнинг мақсадли дастурлари, чора-тадбирлари изчиллик билан амалга оширилаётгани халқаро ҳамжамиятда катта ҳавас уйғотмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрда ўтган ўнинчи ялпи мажлисида маъқулланган 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида бу борадаги давлат сиёсати ўзининг яққол ифодасини топган.

Дастур ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг салоҳиятини, меҳнат бозорининг жорий ҳамда истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилган. Жорий йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш белгиланган. Бу ўринлар, асосан, йирик sanoat объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳаларини ривожлантириш, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан ташкил этилади.

Мазкур дастурда таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига муҳим ўрин ажратилган. Касб-хунар коллежларининг 500 мингдан зиёд битирувчисини ишга жойлаштириш мўлжалланган. Уларни «коллеж — корхона» тизими бўйича 90 мингдан зиёд корхона ва ташкилотга бириктириш, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйишни истаган бити-

рувчиларга тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар ажратиш ҳам ана шундай хайрли ишлардандир.

Бугунги кунда ушбу чора-тадбирлар ижроси юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозиргача 1391 касб-хунар коллежи иш берувчи корхона ва ташкилотларга бириктирилиб, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилган. Мисол учун, кимё sanoati соҳаси учун кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган 24 касб-хунар коллежи «Ўзкимёсанот» давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда «Кўнғирот сода заводи», «Навойазот», «Аммафос-Максам», «Фарғонаазот» сингари 11 йирик корхонага бириктирилган.

Давлат таълим стандартлари бўйича коллеж ўқувчилари 660 соат мобайнида ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётини ўтади. Бу уларнинг ўз касбини пухта ўрганиши, бўлғуси фаолияти бўйича зарур кўникмаларга эга бўлиши ҳамда ишга жойлашишида муҳим ўрин тутди.

— Ўқувчилар амалиётини сифатли ташкил этиш ва уларни келажакда иш билан таъминлаш мақсадида ўндан ортиқ корхона ва ташкилот билан доимий ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, — дейди пойтахтимиздаги Яккасарой энгил sanoat касб-хунар коллежи директори Норпошша Мирсоатова. — Учинчи босқич ўқувчиларининг 225 нафарини корхоналарга бириктирган эдик. Ўқувчиларимиз амалиёт ўтаётган корхоналарга бирма-бир бориб, уларнинг иш жараёнини кузатдим. Корхона раҳбарлари, амалиётчи устозларининг ўқувчиларимиз ҳақидаги фикрларини эшитиб, хурсанд бўлдим. «Корхона — коллеж» ҳамкорлиги самарасида улар ўз ишининг устаси бўлиб етишмоқда.

Кўплаб тўқимачилик компаниялари, шу соҳада фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари коллеж ўқувчиларини ишга олмоқда.

— Амалиётимни «Алким-текстиль» корхонасида ўтаган эдим, — дейди коллежнинг 3-босқич ўқувчиси Гулноза Аширралиева. — Вазифаларни яхши удалаганим сабабли ишга таклиф этишди. Яқинда коллежни битираман. Эртанги кундан кўнглим тўқ, чунки иш жойим тайин.

Мамлакатимизда коллеж битирувчиларининг ўз тадбиркорлигини ташкил этиши учун ҳам кенг имкониятлар яратилган. Уларга режа тузишдан бизнесни юритишгача бўлган барча жараёнда иқтисодий, ҳуқуқий, моддий ва маънавий кўмак берилмоқда, зарур микдорда сармоа билан таъминланмоқда. 2012 йилда бундай ёшлар учун тижорат банклари томонидан 48,4 миллиард сўмдан ошқ имтиёзли кредитлар ажратилгани бунинг яққол дали-

лидир. Бундай имтиёз ва имкониятдан фойдаланган 10 мингга яқин битирувчи бизнес режа асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган.

Бу борадаги ишларга жамоат ташкилотлари ҳам катта ҳисса қўшмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Ёш тадбиркор — юрта мадакор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор», «Менинг бизнес ғоям» каби танловлар касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначиликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Савдо-саноат палатаси, «Микрокредитбанк», Касаба уюшмалари федерацияси ҳамкорлигида ўтказилаётган «Ёш тадбиркорлар мактаби» ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш, уларга услубий ва молиявий кўмак кўрсатишда муҳим аҳамият касб этаётди. Мактаб битирувчиларига «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг махсус грантлари ажратилмоқда. 2008 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу лойиҳада 3960 нафар йигит-қиз иштирок этиб, тадбиркорлик бўйича зарур билимга эга бўлди ва қарийб 40 фоизи ўз бизнесини йўлга қўйди.

Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришда жойларда ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари ҳам яхши самара бераётди. Муайян ҳудуд меҳнат бозорида ўз мутахассисликлари бўйича иш топа олмаганлар янги касбларга қайта ўқитилмоқда. Ёшларнинг касб танлашига ёрдам бериш мақсадида тузилган Касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази ўқувчиларнинг интилишлари, қобилияти ва имкониятларини ўрганиб, зарур маслаҳатлар бермоқда.

Ёшларни иш билан таъминлаш, ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган бундай кенг имкониятлардан самарали фойдаланаётган йигит-қизлар сафи тобора кенгаймоқда.

Сифатли таълим олиш баробарида билимини амалиётда мустаҳкамлаётган, фойдали меҳнат билан шуғулланиб, оиласига даромад, жамиятга катта фойда келтираётган бундай ёшлар ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топишига шубҳа йўқ.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА муҳбири

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Тошлоқ туманидаги иқтисодиёт коллежида «Сенинг касбинг — сенинг келажакинг» кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унда умумтаълим мактабларини битираётган ўқувчилар ва уларнинг оналарини иштирок этди. Битирувчиларга тумандаги касб-хунар коллежлари вакиллари мавжуд мутахассисликлар ҳамда коллежларда яратилган шарт-шароит ҳақида маълумот беришди.

СУРХОНДАРЕ ВИЛОЯТИ

Термиз педагогика касб-хунар коллежида «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловда қуйи босқичларда ғолиб бўлган Сариосиё туманининг «Дашнобод анорлари» жамоаси, Ангор туманининг «Қушон» жамоаси, Жарқўрғон туманининг «Жарқўрғон» жамоаси, Шеробод туманининг «Зарабоғ» жамоаси иштирок этди. Жамоалар таништирув, ўлка тарихига саёҳат, уй вазифаси шартлари асосида ўзаро беллашди.

Қизиқарли ва ранг-баранг жараёнларга бой бўлган танлов якунида «Дашнобод анорлари» жамоаси биринчи, «Қушон» жамоаси иккинчи, «Зарабоғ» жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ

«Ёшлар маркази»да «Келажак овози» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида аънавий тарзда ўтказилаётган ушбу танлов минглаб ёш истеъдодларни кашф этмоқда.

Ўтган йили ушбу танловда етти минг нафардан ортиқ ёш қатнашган бўлса, жорий йилда ўн бир мингдан зиёд ёшлардан аризалар қабул қилинди. Вилоят босқичининг саралаш жараёнларида муваффақиятли қатнашганлар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишлари бўйича ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.

Yoshlar festivali davom etadi



ЁШЛИК ШИЖОАТИ ВАТАННИ БЕЗАР

Тошкент вилоятида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди

Жонажон мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган ушбу фестиваль ёшларда Ватанга муҳаббат ҳиссини, шу азиз Ватаннинг фарзанди эканлигидан фахрланиш туйғусини, қолаверса, ёшларга хос шижоат ва жўшқинликни яна бир бор намоён этмоқда. Фестивалда сенатор ва депутатлар, олим ва ёзувчи-шоирлар, театр ва кино актёрлари, санъаткор ва спортчилардан иборат маънавият тарғиботчилари «Президент асарлари билимдони», «Оммавий маданият» ва ёшлар маънавияти», «Ҳоким ва ёшлар», «Депутат ва ёшлар», «Замонамиз қаҳрамонлари», «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!», «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» каби лойиҳалар доирасида ўтказилган учрашувларда мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидлашди.

— Вилоят ёшларининг ҳар соҳада фаоллигини ошириш, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида уларнинг муносиб ўрнига эга бўлишлари учун интилишларини рағбатлантириш фестивалнинг асосий мақсадига айланди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши раиси Азамат Камолов. — Ҳаракат ташаббуси билан ўтказиб келинаётган ёшлар фестивали истиқлол йилларида қўлга киритилган ютқуларни, мамлакатимиз соҳада ва кудратини, халқаро майдонда тобора юксалиб бораётган нуфузини, иқтисодиётдаги туб ислохотларимиз моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламига, айниқса, ёшлар онги ва қалбига янада чуқурак синдириш мақсадида амалга оширилмоқда.

Тошкент вилоятида ташкил этилган ёшлар фестивали Янгийўл тиббиёт коллежида «Оммавий маданият» ва ёшлар маънавияти» тарғибот лойиҳаси билан бошланди. Унда Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутати Алишер Ақромов, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ходими Баҳриддин Холбўтаев, Ўзбекистон халқ артисти Марям Ихтиёрова, шоир Дилшод Ражаб ва бошқалар ёшларни «оммавий маданият» ниқоби остидаги ёт гоҳларнинг миллий менталитетимизга салбий таъсири ҳақида яна бир бор хабардор этишди. «Оммавий маданият» ва ёшлар маънавияти» тарғибот лойиҳаси гуруҳи аъзолари Ўрта Чирчиқ тумани миллий ҳунармандчилик ва ди-



зайн касб-хунар коллежида ҳам бўлиб, ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатадиган иллатлар ҳақида гапириб беришди. Учрашув давомида ёшлар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

СОҒЛОМ ВА ВИЖДОНЛИЛАР

«Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» лойиҳаси спортсевар ёшлар учун ҳақиқий беллашувлар майдонига айланди. Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежида ўтказилган ушбу лойиҳада Чирчиқ шаҳри, Қибрай ва Бўстонлик туманларидан келган спортчилар велоспорт, кураш, бадий гимнастика, бокс, волейбол, мини футбол, каратэ

си юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатилган ҳамда вилоят ҳудудида фаолият юритаётган савдо дўконлари томонидан вояга етмаган, ўсмир-ёшларга алкоголь ва тамаки маҳсулотлари сотилишининг олдини олиш мақсадида Чирчиқ шаҳри, Қибрай ва Зангиота туманларида «Виждонли сотувчи» акцияси ташкил этилди. Вилоят солиқ бошқармаси масъул вакиллари, таниқли санъаткор ва спортчилар иштирокида олиб

бўйича беллашди. Мусобақаларда Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи ўқувчилари устунлик қилишди. Лойиҳа давомида ёш спортчилар жаҳон ва Осиё чемпионлари билан учрашиб, зарур маслаҳатлар олишди.

Фестиваль доирасида «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижро-

ғамхўрлиги ва эътиборига жавобан барча соҳаларда фаол ва илғор бўлишга интиламиз.

парварлик туйғуларини оширишга хизмат қилади.

КИТОБХОН ЁШЛАР

Бугунги ахборот асрида ёшларнинг китобни эмас, балки телефон экранини кўпроқ «варақлаётгани»ни кузатиш мумкин. Шу боис юртимизда ўқувчи-ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини ошириш, уларни муносиб рағбатлантириш мақсадида турли танловлар, кўргазмалар ташкил этиб келинаёпти. Фестивалнинг муҳим тадбирларидан бири бўлган «Президент асарлари билимдони» танлови ҳам ёшларнинг китобхонаси, «Ёшлар боғи», «Ёшлар маркази», «Металлургия» стадиони қуриб фойдаланишга топширилди. Айни кунларда эса Бекободни «Энг намунали шахар»га айлантириш мақсадида Катта Ҳажмидаги ободонлаштириш ишлари оlib борилаёпти. Мулоқот давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган савол ва муаммолар юзасидан шахар ҳокимига мурожаат қилиб, тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Учрашув сўнггида «Сайхун маликалари», «Келажакка миллийлик билан», «Нотик ёшлар», «Шахматчи ёшлар», «Илҳом» ёш қаламкашлар клублари, «Камолот» таянч марказлари лойиҳалари бўйича голиб ва совриндорлар аниқланди.

— Тенгдошларим «Ҳоким ва ёшлар» учрашувида ўзларини қизиқтираётган, ўйлантираётган тақлиф ва фикр-мулоҳазаларини билдиришди, — дейди Бекобод шаҳар қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежи ўқувчиси Шокир Турсунбоев. — Фестиваль доирасида тенгдошларим, акти-опаларимиз кўп. Шу боилар ҳақида ҳужжатли фильм яратиш тақлифлари билдирдик. Театрга қизиқувчи тенгдошларим театр қуришни, айрим мактаб ўқувчилари эса, мактабларда фаоллар залини ташкил этишни айтишди.

— Вилоят миқёсида ўтказилаётган ушбу фестивал тенгдошларимнинг жипслигини ҳамда фаоллигини янада оширди, — дейди «Камолот» фаоли Дилшод Мирзакулов. — Фестиваль доирасида бўлиб ўтаётган тадбирларнинг барчаси ёшлар маънавий камолотини юксалтиришга, ватан-

бардор эканликларини аниқлаш мақсадида улар учун махсус тест танлови ўтказилди. Зукколикда Бўка туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиларига тенг келадигани топилмади. Лойиҳа доирасида иш-тироқчилар учун Ҳаракат фаолиятига оид видеоролик намойиш этилиб, «Камолот»нинг ёшлар ҳаётидаги ўрни ҳамда келгуси янгиликлар ҳақида хабар берилди.

Бугун кинозалларни томошабинлар билан тўлдириб турган фильмлар орасида ватанпарвар, турли соҳаларда хизмат қилаётган замонамиз қаҳрамонлари, меҳнаткаш ва зиёли инсонлар қиёфаси акс этган фильмларни топиш мушкул. Бу бугунги кунда сценарийнавислар, драматурглар, режиссёрлар, актёрлар олдидан турган муҳим масалалардан биридир. Шу мақсадда ёшларнинг билим ва савиясини ошириш ҳамда фикр-мулоҳазаларини тинглаш мақсадида фестиваль доирасида «Замонамиз қаҳрамонлари» ва «Сиз севган қаҳрамонлар» лойиҳалари ўтказилмоқда. Чиноз туманидаги 14-болалар музика ва санъат мактабида ушбу лойиҳаларга бағишланган учрашувда ёшларнинг сезимли киноактёрлари — Адиз Ражабов, Дилором Мирзаева ва бошқалар қатнашди. Санъаткорлар ўқувчилар билан мулоқотда бўлиб, касб сирлари ҳамда ҳаётда рўй берган қизиқарли воқеалар ҳақида сўзлаб беришди. Шу билан бирга, ёшларнинг бугунги замонавий қаҳрамон қиёфасини саҳнада ва кинофильмларда акс эттириш бўйича тақлифлари тингланди. Мазмунли сўбатлар куй-қўшиқларга уланб кетди.

Мазкур лойиҳа бекободлик ёшлар даврасида ҳам олиб борилди. Унда таниқли кино ва театр актёрлари — Алишер Отабоев ва Муқаддас Мамадалиева санъатга ошуфта кўнгиллар билан дилдан сўхбатлашди. Мазмунли ва қизиқарли ўтган учрашувда шахардаги ёш бадий ҳаваскор жамоаларнинг саҳна чиқишлари кўпчиликлари манзур бўлди. — Бугун телевизорда кўрган қаҳрамонлар билан юзма-юз

фотосуратчилар ҳамда журналистларнинг билим ва тажрибасини оширишга қаратилди. Унда вилоятдаги қирққа яқин ёш дастурчилар, веб-дизайнерлар, фотосуратчи ва журналистлар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Лойиҳа доирасида Ҳаракатнинг «Mit.uz» миллий интернет танлови тақдими ва тарғиботи ташкил этилди.

СИЗ КУТГАН УЧРАШУВ

Туманимизда ёш иқтидорлиларга, ижодкор ёшларга алоҳида эътибор қаратилади, — дейди окқўрғонлик

учрашиб, дилдан сўхбатлашдим, — дейди Бекобод шаҳридаги 11-мактаб ўқувчиси Баҳриддин Шамсиддинов. — Бундан мен каби тенгдошларим ҳам хурсанд. Фестиваль билан яқиндан танишиб, эсдалик учун суратга ҳам тушяпмиз. Муҳими, ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олаёемиз. Келажакда мен ҳам улар каби машҳур инсон бўлмоқчиман. Бунинг учун тимисиз изланишим, аёло баҳоларга ўқишим зарур.



— Ёшлар фестивали янги иқтидор эгалари билан танишишга, ёшларнинг санъат ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини тинглашга, соҳамиздаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида хабардор бўлишга ёрдам берапти, — дейди таниқли актёр Алишер Отабоев. — Ёшлар бир-бирдан қизиқариб, уларнинг бугунги замонавий қаҳрамон қиёфасини саҳнада ва кинофильмларда акс эттириш бўйича тақлифлари тингланди. Мазмунли сўбатлар куй-қўшиқларга уланб кетди.

СОҒЛОМ АХБОРОТ МУҲИТИ САРИ

Тошкент давлат аграр университетида «Биз соғлом ахборот муҳити тарафдоримиз!» мавзусида ўтказилган лойиҳа миллий интернет тармоғини ривожлантириш, фойдаланиш бўлиши ҳамда ижобий мазмундаги веб-ресурсларни кўпайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳудудлардаги ёш дастурчилар, веб-дизайнерлар,

мандаги 15-меҳрибонлик уйида бўлишди. Дастлаб меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари томонидан тайёрланган байрам дастури намойиш этилди. Сўнг тарғибот гуруҳи аъзолари — шоир Дилшод Ражаб, актриса Марям Ихтиёрова ҳамда ёш санъаткорлар болажонлар билан сўхбатда бўлиб, ижодларидан намуналар келтиришди. Тадбир сўнггида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига эсдалик совғалар улашилди. Фестиваль тарғиботчилари Бўстон-

лик туманида мустақил мамлакатимизнинг тинчлигини сақлаш йўлида мардларча ҳалок бўлган инсонларнинг хотинларидан бўлиб, уларнинг оила аъзоларидан хабар олишди.

«Иқтидор эгаси — обод юрт эртаси» лойиҳаси ёшларнинг энг сезимли тадбирига айланди. Лойиҳа доирасида Бўстонлик туманидаги Фазалат кизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида қувноқ ёшлар иштирокида «Қувноқлар ва зуққолар» танлови ўтказилди. Бўка маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида эса, билимдон ёшлар учун «Заковат» интеллектуал ўйини ташкил этилди.

МЕҲР ВА ЭЪТИБОР

Кимдир фарзандга зор, кимдир... Баъзи сабаблар билан меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган кўнгли ўқиб билаётган давлатимизнинг доимий эътиборида. Улар ҳолдан хабар олиш фестивалнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Шоир, санъаткор ва актёрлардан иборат тарғибот гуруҳи аъзолари ана шундай кўнгли ўқиб билаётган даврасида бўлиш, улар билан дилдан сўхбатлашиш мақсадида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» лойиҳаси доирасида Бўка ту-

ротларга бой бўлди. Шу кунги Олмалик шаҳридаги марказий «Металлургия» уйингоҳи тумани ва шаҳарлардан келган минглаб ёшларни ўз бағрида бириштиради. Унда Тошкент вилояти ҳокими Аҳмадхон Усмонов сўзга чиқиб, фестивал иштирокчиларига яхши тилаклар билдирди.

Фестивалга келган ҳар бир ёш кўнглида ўзгача севинч, шодлик мужассам. Улар ҳаяжонга тўла сўзларини айтишга ошқар эди.

— Фестивалнинг яқунловчи қисми шаҳримизда ўтаётганлигидан хурсандимиз, — дейди олмаликлик тенгдошимиз Жонибек Алижонов. — Бу фестиваль шаҳримиз ёшларига ўзгача бир гуруҳ бағишлади. Фестиваль доирасида ўтказилган тадбирлар навқирон авлод қалбида ғайрат-шижонатни, фаолликни оширди.

— Фестивалга Бўка туманидан келдим, — дейди Ойдиной Ваҳובהва. — Бугунги байрам концерти ёшларимизга кўтаринчилик ҳада этмоқда. Менга «Ватан тараққиётига меннинг ҳиссам» лойиҳасидаги ёш тадбиркорларим ишлаб чиқарган маҳсулотлари манзур бўлди. У ерда мен ҳам тадбиркорликни бошлаш учун соҳа мутахассисларидан керакли маълумотларни олдим.

Гала-концерт дастурида велополюсчилар, мотоспорт усталари, полвонлар, каратэ ва тазқвондорларнинг кўргазмали чиқишлари фестивалга алоҳида мазмун бағишлади.

Стадиондаги ёшларнинг ҳайқирғи, жўшқин қўшиқлари қувноқ рақсларга уланб кетди. Ажойиб байрам тусини олган фестивалда янграган қўшиқлар ёшларга олам-олам завқ бағишлади.

Тошкент вилоятида бўлиб ўтган ёшлар фестивали ёшларнинг ижодкорлигини, ташаббускорлигини намойиш этиш билан бирга, ёшларда эртанги кунга умид ва ишонч, Ватан раванки ва тарққиёти йўлида фидойи бўлиш туйғуларини оширди. Бир сўз билан айтганда, барча саъй-ҳаракатлар, эзгу интилишлар шу азиз Ватан учун яшашга ва меҳнат қилишга даъват этади.

Фестивалнинг яқунловчи қисми ҳаяжонли ва таассуроланган **Ашуралӣ БОЙМУРОДОВ, Рустам ҚУСПОВ, «Turkiston» муҳбирлари**

Ахборотлашув ва ёшлар тарбияси

Инсон кундалик ҳаётида турли нарсалардан фойдаланади. Уларни истеъмол қилар экан, ҳар гал муайян тартиб-қоидалар, содда қилиб айтганда, маданиятга риоя қилади. Айттайлик, кийим-бош кийиш ёки озиқ-овқат истеъмол қилишнинг ўзига хос маданияти бор. Бугунги кунда ахборот ҳам истеъмол қилинадиган товарга айланган экан, ҳар бир инсон ёки алоҳида олинган жамият ўзида уни истеъмол қилиш маданиятини тарбиялаши лозим.

Замон шиддатини қаранг, олис ўтмишда катта ер эгалари жамиятда асосий ўрин тутган. Шоҳу гадо уларнинг фикри билан ҳисоблашган. Кейинчалик бундай ҳуқуқ завод-фабрика эгалари қўлига ўтди. Чунки аста-секин завод-фабрикалар бойлик орттиришнинг кучли воситаси сифатида жамиятда муҳим ўрин эгаллаган.

Бугунги глобаллашув шароитида эса бундай даражага товар сифатида ахборот чиқиб борапти. Бундай замонда ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун мисли кўрилма-

ган даражада кураш бормоқда. Бундай хатарнинг таъсирини, аввало, ахборот соҳасида кузатиш мумкин. Чунки бугунги кунда ахборот оқими кўриб бормаган бирон-бир нуқта ёки манзилни топиш қийин. Ҳаттоки дунёнинг энг чекка ва овлоқ жойларига ҳам теле-радио тўлқинлари, телефон алоқаси етиб борган. Қисқача айтганда, қаердаки энергия манбаи бўлса, у ерда ахборот бор. Ахборотнинг эса, ҳаммаси ҳам фойдали бўла олмади.

Бугун масофалар қисқара-

ётган, муносабатлар яқинлашаётган, маданиятлар муштараклашаётган, замон тили билан айтганда, ҳамма нарса глобаллашаётган бир даврда иқтисод ва сиёсатнинг глобаллашуви маданиятлар глобаллашувига сабаб бўлмоқда. Глобаллашув ва интеграция жараёнида ахборот кураши ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш ҳам муаммоли масалалардан биридир.

Бундай ахборот балансининг ўзгариши, дунё ахборот майдонида айрим мамлакатларнинг устуворлик қилиш аънасининг кучайиши техник жихатдан кучли давлатларнинг бошқа давлатлар аҳолисига ўзларининг халқ, давлат ва маданиятларини сингдириш ҳамда шакллантиришга уринишлари каби муаммоларни ўрганиш долзарбдир. Юқори технологияларнинг кучли ривожланиши на-

тижасида оммавий ахборот воситалари ёрдамида ахборот-психологик кураш олиб бориш имконияти кескин ошди.

Ахборот хуружи, деганда эса, у ёки бу мамлакатга ғаразли мақсадда ахборот билан таҳдид солиш тушунилади. Унинг турлича кўринишлари мавжуд. Масалан, ёлғон ахборот тарқатиш, ижтимоий онгни ўзгартиришга уриниш, миллий-маънавий қадриятларни емириб, ўз ғояларини тарғиб этиш, халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш шулар жумласидандир.

Фикрларимизнинг қай даражада асосли эканлигини кўйидаги рақамлардан ҳам билиб олишимиз мумкин: ҳозирги кунда дунёнинг 20 га яқин давлати ядро қуроли ишлаб чиқариш учун ҳаракат қилмоқда. Ахборот тажовузлари билан эса, 120 га яқин давлат шуғулланмоқда.

Ахборот тажовузи «демократия ва инсон ҳуқуқлари бузилмоқда», деган сийқаси чиққан шиор остида амалга оширилмоқда. Бундай хуружларга қарши курашда эса, шубҳасиз, журналистикамиз зиммасига масъулиятли вазифалар қўйилди. Бу борада бизда матбуот ва интернет са-

хифалари, туркум радио ва телевидение эшиттиришлари орқали ҳар қандай ахборот хуружга қарши ўз вақтида жавоблар берилди.

Ахборот хуружи, «оммавий маданият»га қарши курашнинг энг самарали йўли — йигит-қизларимизни ёшлигидан бошлаб юксак маънавий савия, дид ва фаросат эгаси, мустақил фикрлайдиган, маърифатли инсон қилиб тарбиялашдан иборатдир. Ана шундай фазилатларга эга бўлган ёшлар вайронкор ғоялар ётган «оммавий маданият» намуналаридан ҳазар қилади.

Ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган замонавий хавф-хатарларнинг барчаси моҳиятан бир хил бўлиб, бизнинг миллий маданиятимиз, кўҳна қадриятларимиз, инсоний интилишларимизга тамоман зиддир. Шунинг учун уларга қарши бутун жамиятимиз ҳамжиҳатликда кураш олиб бориши лозим. Шундагина ёш авлодимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказишга эришамиз.

Гуларо НИШОНБОЕВА



Ta'lim taraqqiyoti

Илғор педагогик технологиялар амалда

Ўзбекистон тумани қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежида 697 нафар ёш беш йўналишда касб ва хунар сирларини ўрганапти. Уларга ўз касбининг устаси саналган 46 нафар устоз мураббийлик қиляпти.

Мазкур таълим масканида ҳам бошқа ўқув юртлари қатори дарс жараёнларига илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш, ўқитишнинг янгича усулларида самарали фойдаланиш бўйича тилга олса арзирли ишлар қилинапти. Бу борада она тили ва адабиёт ўқитувчилари — Дилшода Маҳкамова, Раънохон Деҳқонова, рус тили бўйича Нилуфар Каримова, тарихчи Муяссар Бегматова, махсус фан ўқитувчилари — Маъруфжон Акбаров, Шаҳноза Бозорова ва Мирмуҳсин Нишоннов каби интилув-

чан ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатлари, қизиқарли ва сермазмун дарсларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. — CASE study, балиқ скелети, ВЕНН диаграммаси ва кластер каби усуллардан фойдаланиб ўтилаётган дарслар ўқувчининг мавзуни мукамал ўзлаштиришида, фаоллигини оширишида, энг муҳими, фанга бўлган қизиқиши ортишида қўл келяпти, — дейди коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Дилафрўз Охунова. — Шу билан бирга, видеопроектор ёрдамида мультимедиа тақдимотларидан ҳам

кенг фойдаланиляпти.

Жорий йилда коллежни тамомлаётган 195 нафар битирувчини иш билан таъминлаш бўйича уч томонлама шартнома тўлиқ имзоланди. Бу, барча ўқувчилар иш билан таъминланди, дегани. Таҳрибали устозлардан пухта таълим олган битирувчилар келгусида ўзлари ишлаётган корхона-ташкilotда, фермер ҳўжаликларида ҳам ўз касбининг устаси, қилаётган ишининг муносиб эгаси эканликларини намоиш этишади.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

СУРАТДА: кимё фани ўқитувчиси Роҳила Мўйдинова «Оқсилларнинг сифат-рангли реакциялари» мавзуида лаборатория машғулотини ўтказаяпти.

E'tibor

Спорт ёрдам беради

Булунғур агросаноат ва сервис касб-хунар коллежида «Биз, ёшлар терроризм, диний экстремизм ва гиёҳвандликка қаршимиз!» шиори остида прокурор кубоги учун спорт мусобақаси ўтказилди. Унда иштирок этган уч юздан ортиқ ўқувчи-ёшлар ўзларининг нафақат ўқишда, балки спортда ҳам илғор эканликларини намоиш этишди.

Футбол ва баскетбол бўйича ўтказилган мусобақалар сўнгида ғолиблар ва фаол иштирокчиларга туман прокуратураси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашининг фахрий ёрликлари, эсдалик совғалари, ғолиб жамоага эса «Прокурор кубоги» топширилди.

Шунингдек, Булунғурда туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, туман прокуратураси, хотин-қизлар кўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, маданият ва спорт ишлари бўлими ва бошқа ташкilotлар билан бирга бадий гимнастикани оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ба-

дий гимнастика бўйича туман биринчилигида 1998 — 2005 йилда туғилган 23 нафар қиз «Халқда машқ бажариш», «Эркин машқ» ва «Арқонда машқ бажариш» йўналишлари бўйича беллашди. Ғолибларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар топширилди.

Нуробод туман ҳамда Каттакўрғон шаҳар прокуратуралари ташаббуси билан мактабларнинг дарсларга мунтазам қатнаш прокуратураси, хотин-қизлар кўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда тарбияси оғир ўқувчилари ўртасида стол тенниси ҳамда энгил атлетика мусобақалари ўтказилди. Бу орқали уларни таълим ва спортга қизиқтиришга эришилди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши

курашишда ҳам жисмоний тарбия ва спорт энг муҳим омиллардан биридир. Биргина Самарқанд вилоятида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар йигирма саккиз фоизга, хусусан, энгил тан жароҳати етказиш жиноятлари эллик фоизга, оғир тан жароҳати етказиш, босқинчилик юз фоизга камайгани, Жомбой, Оқдарё, Пахтачи ва Тайлоқ туманларида вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари умуман кузатилмагани фикримизнинг яққол далилидир.

Шерзод МАҲАММАДИЕВ,
Самарқанд вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Imkoniyat

Коллеждан корхонага

Шаҳрисабз хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида 835 нафар ёш компьютер ва компьютер жиҳозларини ишлатиш ва дастурий таъминот бўйича техник, радиотехника, пайвандлаш-ишлаб чиқариш машиналари ва технологияси, ошпазлик, тикув ва тикув-трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш технологи, товаршунослик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик, молиячи, ҳўжалик масалалари ҳуқуқшунослиги ихтисосликлари бўйича таълим олмоқда.

Уларга 67 нафар педагог ва ишлаб чиқариш устаси қалб кўрини бағишлаб, астойдил билим бермоқда.

Таълим масканида ўқувчилар тўлақонли билим олиши учун барча имкониятлар мавжуд. Иккита мультимедиа, радиотехника, пайвандлаш, ошпазлик хоналари Жанубий Корея


ва Япония таълим грантлари лойиҳаси асосида замонавий жиҳозланган. Шунингдек, коллежда ташкил этилган «Хуқуқшунос», «Пайвандчи», «Ёш қаламкаш» сингари фан, касб ва спорт тўғрисидаги ўқувчиларнинг бўш вақти мазмунли ўтишига хизмат қилмоқда.

Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳам самарали ташкил этилган. Бу борада «Қашқадарё сервис корхонаси», «Шаҳрисабз пахта тозалаш», «Оқсарой текстил», «Китоб агротехсервис», «Шаҳрисабз 35-сонли автобаза» масъулиятли чекланган жамиятлари билан мустақам ҳамкорлик ўрнатилган. Ўқувчилар ўқув амалиётини мазкур муассасаларда ўтаб, коллежда олган билимларини амалиётга татбиқ этишади.

Зухра ОЧИЛОВА,
Шаҳрисабз хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқитувчиси

Янгича анъана ва ташаббуслар қанотида

Ховос тумани Гулбаҳор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежини бу йил 230 нафар ўқувчи битириш арафасида. Битирувчи ёшларнинг ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётлари муваффақиятли ўтказилмоқда.



Ҳозирда коллежда қишлоқ хўжалиги машиналари, фермер, ўсимликшунос, чорвадор, ветеринария, компьютер тармоқларини сошлаш ва таъмирлаш, бухгалтерия ҳисоби, тикувчилик ишлаб чиқариши сингари олти йўналиш бўйича 729 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Уларга эса 57 нафар ўқитувчи-педагог ҳамда иш-

лаб чиқариш таълими усталари устозлик қилишади.

Коллеж қулай ва шинам ўқув биносига, элли ўринли тураржой биносига, ошхона ва ўқув ишлаб чиқариш устахонасига эга.

Ўқувчиларнинг мустақкам амалий билимларга эга бўлишлари учун 1,5 гектарлик ўқув-тажриба хўжалиги мавжуд. Шунингдек, «ТТЗ-

80», «ТТЗ-81» русумли тракторлар ўқув амалиётида кенг қўлланилади. Аудиториялар тўлиқ замонавий жиҳозланган, тикувчилик устахонасига 24 дона тикув машинаси ўрнатилган.

Ушбу ўқув йилида икки нафар ўқитувчи чет тилларни ўқитиш бўйича қайта малака оширишдан ўтган бўлса, ўн етти нафар ўқитувчи янги инновацион технологияларни жорий этиш бўйича малака ошириш курсларида бўлиб қайтди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ветеринария бўлимининг 3-курс ўқувчиси Бунёдjon Назаралиев «Касб маҳорати» кўрик-танловининг республика босқичида совриндор бўлиб қайтди. «Келажак овози» мега танловининг вилоят босқичида Севара Шамсиева «Менинг бизнес лойиҳам» йўналиши бўйича голиб чиқиб, республика босқичига йўлланма олди.

Коллежни ўтган йили таъминлаган ёшлардан уч нафари Сирдарё вилоятида ташкил этилган «Ёш фермерлар» мактабига аъзо бўлди. Айни кунларда эса, ана шу ёшлар фермер хўжалиги ташкил этиб, муваффақиятли иш олиб боришмоқда.

Ушбу ўқув йилида эса, битирувчи ёшларнинг беш нафари тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини


Kasb-hunar maskanlarida

билдириб, «Микрокредит-банк» томонидан имтиёзли кредит олиш мақсадида сертификатларга эга бўлди.

Коллежда спорт-соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. «Полвонлар миллий энциклопедияси» жамиятининг республика умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари аро «Сиз полвонларингизни биласизми?» танловининг «Энг яхши ташкил этилган учрашувлар» номинацияси бўйича голибликни қўлга киритган мазкур коллеж директори Фарход Атауллаев «Полвонлар миллий энциклопедияси» жамиятининг фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг бел олиш кураши бўйича ўтказилган турнирида коллежнинг 2-курс ўқувчиси Хусниддин Қўшматов 3-даражали диплом билан тақдирланди. «Наврўз — миллий қадриятларимиз» кўрик-танловининг вилоят босқичида 1-курс ўқувчиси Хадича Тўйчиева учинчи ўринни эгаллаган.

Обод турмуш йили муносабати билан коллежда яхши бир анъана қарор топган. Гуруҳлараро «Энг обод худуд» номинацияси учун танлов эълон қилинди. Голибликни қўлга киритган гуруҳлар маъмурият томонидан рағбатлантирилади.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири



Филлар ҳалокати

Ҳиндистонда йўловчи тезюрар поездди тўртта филни уриб юборди. Натижада, учта фил воқеа жойида ўлган.

Улардан бири қаттиқ жароҳатланди ва ҳозир ветеринарлар назоратида. Жалпайгури шахрида филлар тўдаси тез-тез учраб турса-да, бироқ бундай воқеа Ҳиндистон тарихида ҳали кузатилмаган эди. Маълумотларга қараганда, эрталаб соат бешда поезд йўлидан йигирмадан зиёд фил чиқади. Машинаист поездни тўхтатишга ҳаракат қилган, бироқ катта тезликда кетаётган поездни тўхтатолмаган. Ҳиндистон транспорт ва темир йўллар вазирлиги эса машинаистни айбдор деб топди. Сабаби, жониворлар уриб юборилган жой Ҳиндистонда «филлар йўлкаси» дея ном олган. Бу ерда поезд ва машиналар учун маълум тезликда юриш талаби қўйилган. Машинаист тезликни белгиланган меъёрдан оширганликда гумон қилинмоқда.

Танкер ҳалокат берди

Нидерландиялик Ральф Тённинг Австралиядан Африкага қайиқда сузиб бориш режасини юк танкери барбод қилди.

Унинг бир киши учун мўлжалланган қайиқчиси юк танкери билан тўқнашиб кетди. Маълумотларга кўра, қайиқ ярқоқсиз ҳолга келган, қайиқчининг қовурғаси синган, қўли жароҳатланган. Танкердагилар қайиқни уриб юборишганини, ҳатто сезишмаган ҳам. Бечора Ральф радиомаёқ орқали қутқарув хизматига хабар беради. Шинаванда саёҳатчини Кокос оролларида 1100 метр узокликдан топишди ва энг яқин шифохонага етказишди. Ҳозирда у сузишни давом эттириш ниятида. Тёнга денгиз қонун-қоидабини бузгани учун жарима солишди. Шифохонага Нидерландиядан етиб келган ёру биродарларининг айтишларича, Ральф иродали ва қайсар. Саёҳатни охирига етказиб қўйиши аниқ.

Уккига ёрдам

Австрия фавқулодда вазиятлар хизмати ходимлари мўрига тиқилиб қолган уккига ёрдам кўрсатдилар.

Уй эгаси Беттина Мозер куш овозини эшитиши билан фавқулодда вазият ходимларига хабар берди. Уккини чиқариб олиш учун юмшоқ резина коптокча ҳамда тўр керак бўлди. Тўр ёрдамида туширилган коптокни укки панжаси билан сиқиб олди. Қутқарувчилар аста-секин уккини чиқариб олишди. Қанотидан жиддий жароҳат олган уккига ветеринарлар ёрдам кўрсатганларидан сўнг қўйворишларини маълум қилдилар. Уккиннинг қандай қилиб мўрига тиқилиб қолгани ҳақида маълумотлар бўлма-са-да, мутахассислар тахминига кўра, мўрига исиниб олиш учун кирган бўлиши мумкин.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир ҚАРМАТОВ
тайёрлади

Муаллим билимли бўлса, ўқувчи адашмайди

Бекобод шаҳридаги 3-мактабда узоқ йиллик илғор тажрибалар, ибратли анъаналар асосида яхшигина ишлар амалга оширилаётир. Айни дамда бу ерда элликлдан зиёд ўқитувчи-педагоглар 916 нафар ўқувчига қалб қўри, юрак меҳри ила сабоқ беришмоқда. Мактабда Саодат Кимсанбоева, Насиба Убайдуллаева, Шаҳнора Маматқулова, Азиза Ҳамзақулова, Мастура Муҳиддинова, Адиба Комилова, Абдували Нурматов сингари маҳоратли ўқитувчиларнинг меҳнати, янгича изланишлари туфайли ўқувчилар билимининг сифат даражаси йилдан йилга ортиб бормоқда.

Буни биргина мактаб ўқувчиларининг фан олимпиадалари ва билимлар беллашувидаги иштироклари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Хусусан, чизмачилик, информатика ва география фанлари бўйича мактабнинг уч нафар ўқувчиси фан олимпиадаларининг вилоят босқичида муваффақиятли иштирок этди. Чизмачилик фани бўйича Иброҳим Абдужалилов фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Худди шунингдек, ўқувчилар билимлар беллашувида ҳам юқори ўринларни қўлга киритишди.

Ўқитувчилар ижодий изланишда, илғор инновацион технологиялардан унумли фойдаланишмоқда. «Энг яхши дарс ишланмаси» кўрик-танловининг шаҳар босқичида ўқитувчилардан Гулзода Баратова ва Азиза Ҳамзақулова голибликни қўлга киритган бўлса, «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловида қатнашган инглиз тили ўқитувчиси Шаҳнора Маматқулова иккинчи ўрин соҳибасига айланди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, мактабда чет тилларни ўрганишга,

компьютер саводхонлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Мактабда тасвирий санъат ва чизмачилик фанларига алоҳида эътибор билан ёндашилади. Шунинг учун бўлса керак, мактаб чизмачилик ва тасвирий санъат фанлари бўйича шаҳар миқёсида таянч мактаб ҳисобланади. Мазкур фанлар юзасидан ўқув семинарлари бевосита шу ернинг ўзида ўтказилади.

Кимё фани илғор ўқитувчиси Насиба Убайдуллаеванинг саъй-ҳаракатлари, педагогик тажрибаси мақтовга сазовор. Кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган устоз ўқувчиларни имкон қадар кимё фанига қизиқтира олади. Дарс машғулотларини замон талаблари асосида, юқори савияда ўтказишга интилади. Шунинг учун бўлса керак, Насиба опанинг шоғирдлари ҳозирда халқ хўжалигининг турли соҳаларида муносиб меҳнат қилиб келишяпти.

Обод турмуш йили муносабати билан мактаб жамоасининг ободончилик борасидаги ишлари ҳам диққатга сазовор.



«Бекобод шаҳрини намунавий шаҳарга айлантирамиз!» шиори остида халқ таълими ходимларининг вилоят семинари бевосита шу мактабнинг ўзида ўтказилганлиги ҳам бунинг тасдиғидир.

Мактаб худудини айланар эканмиз, ранго-ранг гулларни, тартиб билан парвариш қилинаётган теракзорю мевали дарахтларни кўриб кўнглимиз яйради, «Камолот», «Битирувчилар», «Устозлар» боғи ташкил этилиб, мевали дарахтлардан иборат интенсив боғ барпо этилгани диққатга сазовор. Зотан, «Яхшидан боғ қолади», дея бежиз айтилмаган. Устозлар айна бир пайтда ўз ўқувчилари қалбида яхшилик ва эзгулик боғини барпо этишяпти.

Гулжаҳон СУВОНОВА

Ilg'or maktablar

